ISSN 2181-6833
9 772181 683301

1930 BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

ISSN 2181-6833

# PEDAGOGIK MAHORAT

2
2021



ISSN 2181-6883

# PEDAGOGIK MAHORAT

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**2-son (2021-yil, aprel)**

**Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan**

**Buxoro – 2021**

**PEDAGOGIK MAHORAT**
**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**
**2021, № 2**

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrdagi qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruruiynashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**
**Tahririyat manzili:** O'zbekiston Respublikasi,Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy
Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

**TAHRIR HAY'ATI:**
**Bosh muharrir:** Adizov Baxtiyor Rahmonovich– pedagogika fanlari doktori, professor
**Bosh muharrir o'rinbosari:** Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor
**Mas'ul kotib:** Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari doktori (DSc), dotsent

*Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori*
*Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)*
*Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Mahmudova Muyassar, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)*
*Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)*
*Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor*
*Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor*
*O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor*
*Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor*
*Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor*
*Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Qiyamov Nishon Sodiqovich, , pedagogika fanlari doktori (DSc), professor*
*Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent*

**ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО**
**Научно-теоретический и методический журнал**
**№ 2, 2021**

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решении ВАК от 29 декабря 2016 года  для получения учёной степени по **педагогике** и **психологии**.

Журнал основан в 2001г.
Журнал выходит 6 раза в год
Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.
Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.
**Учредитель: Бухарский государственный университет**
**Адрес редакции:** Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.
e-mail: ped_mahorat@umail.uz



**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**
**Главный редактор:** Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор
**Заместитель главного редактора:** Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор
**Ответственный редактор:** Хамраев Алижон Рузикулович – доктор педагогических наук (DSc), доцент

*Хамидов Обиджон Хафизович , доктор экономических наук*
*Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор*
*Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор*
*Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор*
*Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)*
*Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор*
*Махмудова Муяссар, доктор педагогических наук, профессор*
*Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)*
*Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)*
*Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор*
*Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор*
*Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор*
*Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор*
*Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор*
*Олимов Ширинбой Шарофович, доктор педагогических наук, профессор*
*Киямов Нишон Содикович, доктор педагогических наук, профессор*
*Каххаров Отабек Сиддикович, доктор экономических наук (DSc)*

**PEDAGOGICAL SKILLS**
**The scientific-theoretical andmethodical journal**
**# 2, 2021**

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal is published 6 times a year
The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.
The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

**Founder: Bukhara State University**

**Publish house:**Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.
e-mail: ped_mahorat@umail.uz

**EDITORIAL BOARD:**

**Chief Editor:** Pedagogical Sciences of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov.
**Deputy Editor:** Pedagogical Sciences of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade.
**Editor:** Doctor of Pedagogical Sciences( DSc), Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

*Doctor of Economics Sciences Obidjan X. Xamidov*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I.Ibrahimov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakieva (Bulgaria)*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov*
*Doctor of Pedagogical Sciences, Prof.M.Mahmudova*
*Doctor of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)*
*Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)*
*Doctor of Technical sciences, Prof. Mukhtor R.Amanov*
*Doctor of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev*
*Doctor of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva*
*Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev*
*Doctor of Economics, Prof. Nasir N. Mahmudov*
*Doctor of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov*
*Doctor of Pedagogical Science, Prof. Nishon S. Kiyamov*
*Doctor of Economics Sciences Otabek S.Kahhorov*

## MUNDARIJA

**PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA....................7**

Зариф УМУРОВ. Таълимни рақамлаштириш шароитида ўқув-билув муаммоларини таълим жараёнига татбиқ қилишнинг шарт-шароитлари....................7

Иброҳим УМАРОВ. Хорижий давлатлар ва мамлакатимиз кредит-модуль тизимининг қиёсий таҳлили....................11

Зилола РАСУЛОВА. Бўлажак технология фани ўқитувчиларининг креативлигини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш....................15

Муслима БОЗОРОВА. Роль этнопедагогики в подготовке компетентного специалиста в системе педагогического образования....................21

Зебохон МАМАРАҲИМОВА. Ўспиринларнинг ўзини-ўзи тарбиялаши педагогик муаммо сифатида 26

Mirzomurod NAFASOV. Mobil ta’lim va undan foydalanishning ahamiyati....................33

Обод ЭРГАШЕВА. Ўзбек оилаларида қиз болалар тарбияси....................38

Baxrom URINOV. Ta’limga yevropa integratsiyasining asosiy maqsadi va tamoyillari....................45

Nuriddin ACHILOV. Hakim at-Termiziy asarlari vositasida talabalarda ma’rifatparvarlik fazilatlarini rivojlantirish mazmuni....................48

Зебо ТЎХТАЕВА. Олий таълимда ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш имкониятлари..53

Бобиржон ЭРГАШЕВ. Профессионал таълим тизими битирувчиларининг касбий кўникмаларини эгаллашларида педагогик стратегиялар....................60

Зубайда БАХРАНОВА. Корпоративная культура в условиях инновационного развития вуза....................65

Ғулом БОҚИЕВ. Педагоглар малакасини оширишда замонавий таълим методларидан фойдаланиш .68

Гулноз ҚУРБОНОВА. Дарс машғулотларида талабалар касбий тафаккурини ривожлантиришга инновацион ёндашув....................72

Dilnoza AXMEDOVA, Baxtiyor ADIZOV. Pedagogika fanlarini o‘qitishda muammoli ta’lim metodlarining o‘rni....................78

Dilora SIDIQOVA. Masofaviy ta’lim sharoitida talabalarning kasbiy kompetensiyasini shakllantirish....................81

Сардор ХОДЖАНИЯЗОВ. Сулаймон Боқирғоний ҳикматларида ахлоқий ва маънавий тарбия тўғрисидаги ғояларининг акс этиши....................85

Динара АТАДЖОНОВА. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа асарларида хулқий гўзалликни қарор топтиришнинг тарбиявий усул ва воситалари....................89

Манзура РАХМЕДОВА. Маҳмуд аз-Замахшарий асарларида маънавий-маърифий ва ахлоқий масалалар....................93

Санжар МИРЗАЕВ. Қишлоқ ва сув хўжалигида сувдан фойдаланиш этикасини ўргатиш методикаси 96

Шерзод АБДУРАХМАНОВ. Ўқувчи-ёшларда ватанпарварликни шакллантиришда мутафаккирларнинг таълим –тарбияга оид қарашларидан фойдаланиш....................103

Марҳабо АШУРОВА. Футувват (жавонмардлик) - ахлоқий тарбия асоси....................106

Rohila NORQO‘CHQOROVA. Pedagogika kolleji o‘quvchilarida qadriyatli munosabatni shakllantirish samaradorligini oshiruvchi omillar....................110

Насиба ЖУМАНИЁЗОВА. Аутизм ташхисли болаларга ота-оналарнинг муносабатини шакллантириш....................113

Машҳура СУЛТОНОВА. Зўравонликни бошдан кечирган аёлларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари....................117

Go‘zal YUNUSOVA. Maktabgacha yoshdagi bolalarning kreativ tafakkuri rivojlanishining o‘ziga xos xususiyatlari....................121

**MAKTABGACHA VA BOSHLANG’ICH TA’LIM....................125**

Maqsuda NORBOSHEVA. Maktabgacha yoshdagi bola shaxsini rivojlantirishda o‘yinli texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati....................125

Рустамбек ҚЎЛДОШЕВ. Чапақай ўқувчиларнинг мактабга мослашуви ва унинг ўзига хос хусусиятлари....................127

Малика ХАЙДАРОВА. Бошланғич таълим жараёнига индивидуал ёндашувни татбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари....................133

Наргиза КУЧКАРОВА. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқув фанларида иқтисодий - маданий ривожлантиришнинг модели ва технологияси....................136

Бибихол КАРИМОВА. Меҳрибонлик уйлари бошланғич синф тарбияланувчиларида миллий ғурурни ҳадислар асосида шакллантиришда интерактив методлардан фойдаланиш....................139

2. Khamraev A. R. Modeling Teacher's Activity in Designing Students' Creative Activities //Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.

3. Azimov Y. Hamroyev A //Husnixat va uni oqitish usuliyoti (Maruza matnlari). Buxoro, 2003,-52 bet. – 2003.

4. Hamroev A. R. MODELING ACTIVITIES OF TEACHERS WHEN DESIGNING CREATIVE ACTIVITIES OF STUDENTS //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – Т. 7. – №. 10.

5. Adizov B. R., Khamroev A. R. MODELING ACTIVITIES OF TEACHERS WHEN DESIGNING CREATIVE ACTIVITIES OF STUDENTS //ILMIY XABARNOMA. – С. 69.

6. Avezmurodovich O. R. Difficulties in learning to write and read left-handed children //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (8), 40. – 2020. – Т. 45.

7. QOʻLDOSHEV R. Chapaqay bolalarni maktabga qanday tayyorlash kerak //Pedagogik mahorat. Ilmiy-nazariy va metodik jurnal. -Buxoro 2020-yil, 3-son 145-147 b.

8. Quldoshev R. A. Assistant pedagogue to children left-handed reading in the last year //Globe Edit. – 2020.

9. Hamroyev R. A., Qoldoshev A. R., Hasanova A. M. Methods of teaching 1st grade students to use writing tools effektively //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – Т. 10. – №. 1. – С. 168-174.

10. Avezmurodovich Q. R. Psychological aspects of left-handedness: Concept, causes, and peculiarities //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 623-631.

11. Qoldoshev A. R., Yodgorova F. G. How to find out right or left //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – Т. 10. – №. 1. – С. 154-163.

12. Hamroyev R. A., Qoldoshev A. R., Hasanova A. M. Methods of teaching 1st grade students to use writing tools effektively //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2021. – Т. 10. – №. 1. – С. 168-174.

**Малика ХАЙДАРОВА**
Бухоро давлат университети
бошланғич таълим методикаси
кафедраси ўқитувчиси

# БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ушбу мақолада бошланғич таълим жараёнига индивидуал ёндашувни татбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилган бўлиб, унда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёшга оид ва психологик хусусиятлари, индивидуал ёндашувни татбиқ этишда амал қилиниши керак бўлган педагогик шарт-шароитлар баён қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *кичик мактаб ёшидаги ўқувчи, индивидуал ёндашув, ўйинга мойиллик, жисмоний, психологик, ижтимоий ривожланиш, педагогик шарт-шароитлар, мустақил иш шакллари, методлар, ўқув топшириқлари, қобилият, қизиқиш.*

*В статье рассматривается специфика реализации индивидуального подхода к процессу начального образования, описываются возрастные и психологические особенности младших школьников, педагогические условия, которые необходимо соблюдать при реализации индивидуального подхода.*

***Ключевые слова:*** *младший школьник, индивидуальный подход, игривость, физическое, психологическое, социальное развитие, педагогические условия, самостоятельные формы работы, методы, учебные задания, способности, интерес.*

*This article discusses the specifics of the implementation of an individual approach to the process of primary education, which describes the age and psychological characteristics of primary school students, the pedagogical conditions that must be followed in the implementation of an individual approach.*

***Key words:*** *junior schoolchild, individual approach, playfulness, physical, psychological, social development, pedagogical conditions, independent forms of work, methods, study assignments, abilities, interest.*

**Кириш.** Бошланғич таълим жараёнига индивидуал ёндашувни татбиқ этиш масаласи, бугунги кунда дидактиканинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу масала таълимнинг турли босқичларида турли йўсинда ечилиши мумкин. Чунки кичик мактаб ёшидагидаги ўқувчилар ўзларигагина хос бўлган турли кўрсатгичлар билан ўзаро бир-бирларидан фарқланадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг интеллектуал ривожланиш жараёни турлича кечади. Бошланғич таълим жараёнига индивидуал ёндашувни татбиқ этиш жараёнини қуйидаги тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашган ҳолда таълим-тарбия бериш;
- ўзига хос имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини танлаш.

**Асосий қисм.** Индивидуал ёндашув ўзбек халқи таълим тизимида асрлар давомида мавжуд бўлган. Ўтмишда мактабхоналар айниқса мадрасаларда таълим олувчиларга алоҳида ёндашилган ҳолда, уларнинг қизиқишлари ва интилишларини ҳисобга олиб таълим-тарбия берилган. Ҳар бир таълим олувчининг муайян мавзуни билиш имкониятлари ва ўзлаштириш даражалари аниқлангандан кейингина унга навбатдаги топшириқ берилган.

Бошланғич таълим жараёнига индивидуал ёндашувни татбиқ этишда ўқувчиларнинг ёшга оид ва психологик хусусиятларини инобатга олиш лозим:

1. Ўйинга мойиллик. Ўйинлар ёрдамида бола умумқабул қилинган хулқ тўғрисида билимларни эгаллайди. Ўйинларда, бошқа фаолият турларида кўра кўпроқ боладан қоидаларга риоя этиш талаб этилади. Болалар уларни бузганга алоҳида эътибор билан танбеҳ берадилар. Агар бола кўпчиликнинг фикрига бўйсунмаса, унда у кўпгина ёқимсиз сўзларни эшитиши, ўйиндан чиқиши ҳам мумкин. Бунда бола бошқалар билан ҳисоблашишга ўрганади, адолат, ҳақиқат, ростгўйликдан дарс олади.

2. Бир маромдаги фаолият билан узоқ шуғуллана олмаслик. Психологлар таъкидлаганларидек, 6-7 ёш давридаги болалар ўз диққатларини 7-10 дақиқадан ортиқ бир предметда сақлай олмасликларини таъкидлайдилар. Бундан ортиқ вақтда болалар чалғий бошлайдилар, ўз диққатларини бошқа предметларга кўчирадилар, шунинг учун машғулотлар вақтида фаолият турларини тез-тез ўзгартириш зарур.

3. Тажрибанинг етишмаслиги сабабли ахлоқий тасаввурларнинг етарли аниқ эмаслиги.

4. Амалга ошириш тартиби ва амалий қўллаш ўртасида зиддиятлар бўлиши мумкин.

5. Катталар ва тенгдошлари билан мулойим мулоқотни қўллашнинг бир текис эмаслиги (кундалик ҳаётда ва уйда, мактабда ва кўчада).

Қадим замонлардан инсонлар ёш ва жисмоний, ақлий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлигини тушунганлар. Бу ҳақиқат алоҳида исботларни талаб этмаган: ёш улғайиши билан донишмандлик шаклланади, тажриба тўпланади, билимлар ортади. Ҳар бир ёш даврида жисмоний, психологик, ижтимоий ривожланишнинг ўз даражаси мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида "...ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш" каби устувор йўналишлар белгиланган [1]. Замонавий жамият халқ таълими олдига қўядиган асосий вазифалар орасида фаол онгли ижодий шахсни тарбиялаш вазифаси долзарб вазифа ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчилари ўқув фаолиятига киришиб, ўқув топшириқларини бажаришда ҳамда ўз хулқлари усулларини аниқлашда мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишга ўрганадилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари онгли хусусият касб этади. Кўпинча ўз муаммоларини ҳал этишда ўқувчилар эгалланган тажрибадан фойдаланадилар. Ривожланиш жараёнларини тўғри бошқариш учун инсон ҳаёти даврларини таснифлаш зарурати юзага келди.

Бошланғич таълим жараёнига индивидуал ёндашувни татбиқ этишда қуйидаги педагогик шарт-шароитлар назарда тутилади:

- бошланғич синфларда ўқитиш мароми ва изланувчанлик қобилиятларини инобатга олиш, бунда ўқув топшириқларини индивидуаллаштириш;
- кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ўқишга бўлган эҳтиёжларини ривожлантириш бунда топшириқни ҳар бир ўқувчи томонидан бажарилишини таъминлаш;
- бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини ошириш, бунда ўқитишни гуруҳли, индивидуал ва мустақил иш шаклларига асосланган ҳолда ташкил этиш;
- бошланғич синф ўқувчиларида мустақиллик, меҳнатсеварлик, креативликни шакллантириш, бунда дарснинг аксарият қисминии индивидуал ишлашга ажратиш имкониятидан фойдаланиш кабилар.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Бошланғич таълим жараёнига индивидуал ёндашувни татбиқ этишда ҳар бир ўқувчининг ўзига хослигини ҳисобга олиш ниҳоятда зарурдир. Бироқ бугунги кунга қадар амалга оширган кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, аксарият педагог олимлар ўқувчилар гуруҳининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш билан чекланганлар. Чунончи, Р.Ғ.Сафарова[2]нинг таъбирича, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш дидактик ҳамда тарбиявий воситаларнинг изчил тизими сифатида фаолият мақсади ва ўқувчилар жамоасининг аниқ билиш имкониятлари билан боғлиқ. Индивидуал ёндашилганда, ўқувчининг ақлий қуввати, имкониятлари ва ўқув жараёнининг мақсадларига асосланган ҳолда ўқув жараёни ташкил этилади [2, 76].

В.Д.Шадриков [3] биринчилардан бўлиб индивидуаллаштиришга йўналтирилган таълим тизими ғоясини кўтариб чиққан эди. Бу ғоянинг асосини турли даражадаги ўқув режалари, ўқув дастурлари ва методик қўлланмалар яратиш ташкил этади. Бунда ўқув жараёнини ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш лозимлиги тарғиб қилинган. Ҳар бир ўқув предметининг мураккаблик даражаси билан боғлиқ тарзда синфдаги ўқувчилар таркиби ўзгариб туради. Ўқув предметининг мазмуни ва ўқув материалларининг ҳажмига зиён етказмаган ҳолда ўқувчилар ўқув дастури материалларини ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар. Бунда ўқув дастурининг мураккаблик даражаси ўқувчиларнинг имкониятлари ва лаёқатлари билан боғлиқ тарзда аниқланади.

Ўзбек халқининг тарихий тажрибаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида таркиб топтиришда ўқитишнинг жамоавий шаклидан кўра ўқув жараёнини индивидуал ёндашув асосида ташкил этиш кўп жиҳатдан самаралидир. Шу билан бир қаторда, ўқув жараёнини индивидуал ёндашув асосида ташкил этиш бўйича хорижий педагогларнинг назарий ёндашувлари мавжуд ва улар алоҳида аҳамиятга молик.

Америкалик ўқитувчиларнинг аксарияти ўқувчиларнинг дарсда фаол иштирок этишларини афзал кўрадилар ва шу туфайли ҳар хил интерфаол усуллардан фойдаланадилар. Интерфаол усулдаги дарс анъанавий, ўқитувчилар кўникиб кетган маъруза шаклида ўтказиладиган дарсдан сезиларли фарқ қилади. Тадқиқотлар далолат беришича, педагогик жараёнларни идивидуал ёндашув асосида ташкил этиш ўқувчилар ўртасидаги ётсираш олдини олишнинг самарали техникасидир. Масалан, индивидуал ёндашилганда ҳатто ўзга болалар ўзларидан фарқ қилган тақдирда ҳам ўзларини гуруҳнинг қисми сифатида сезишларига имкон беради. Таълимни бундай ташкил этиш ўқувчилардаги тафаккур усулини "Мен ва улар"дан "Бизлар"га айлантиради.

Австриялик психолог ва файласуф В.Франкл [4] индивидualликнинг аҳамияти, инсон шахсининг қадр-қиммати ва мазмуни ҳамма вақт у яшаётган жамиятга боғлиқлигини таъкидлайди. Американлик социолог Т.Паркинсоннинг фикрича [4], чинакам шахсий қадр-қиммат инсоннинг ўраб турувчи муҳит билан муносабатида, яъни унга индивидуал ёндашилганда намоён бўлади.

Жаҳонда таълимда қўлга киритилган муҳим натижаларга кўра ўқув жараёнига индивидуал ёндашувни татбиқ этиш таълим олувчиларнинг ақлий қобилиятлари ва қизиқишларига қараб амалга оширилмоқда. Таълим босқичлари орасида бошланғич таълимда ўқув жараёнини индивидуал ёндашув асосида ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у ўта мураккаб педагогик жараён сифатида тавсифланади.

Бошланғич синф ўқувчиси айтилганларни текширади, уни қизиқтирган саволларга жавобларни мустақил топишга интилади, чунки боланинг аввалги ҳаёти – унинг тўпланган шахсий индивидуал тажрибаси ҳисобланади ва катта инсоннинг у билан ўзаро муносабати ҳам айнан мазкур тажрибани ҳисобга олиб, қатъий индивидуал бўлиши лозим.

**Хулоса.** Кичик мактаб ёшидаги болалар жуда таъсирчан бўладилар ва бу уларнинг хулқларига таъсир этади. Кичик мактаб ёшидаги болалар ўз ҳис-туйғуларини яширишни, уларнинг ташқи намоён бўлишини назорат қилишни билмайдилар, улар хурсандчилик, қайғу, қўрқув, қониқиш ёки қониқмасликни ифодалашда жуда беқарор бўладилар. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг таъсирчанлиги уларнинг эмоционал нобарқарорликларида, кайфиятнинг тез-тез ўзгаришида, хурсандлик, қайғу, ғазаб, қўрқув ҳиссиётларининг қисқа муддатли ва ёрқин ифодаланишида акс этади. Шунинг учун ҳам бошланғич таълим жараёнига индивидуал ёндашувни татбиқ этишда бу ёшдаги ўқувчиларнинг ёшга оид ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

## Адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги Фармони. www.lex.uz
2. Сафарова Р.Ғ. ва б. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва параметрлари//Монография. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2013. -255 б.
3. Шадриков В.Д. Происхождение человечности: Учеб. пособие для студентов вузов. – М.: “Логос”, 1999. – 199 с.
4. Карпара Дж., Сервон Д. Психология личности. – М.: “Питер”, 2003. – 640 с.
5. Хайдарова М.Д. Способы реализации индивидуального подхода к начальному образованию // European research. № 6(64), 2020. С. 71.
6. Хайдарова М.Д. Роль интеграции в школьном образовании // Педагогика и современность, 2013. № 4. С. 33-36.
7. Хайдарова М.Д. Интеграция уроков технологии с другими предметами // Теория и практика современной науки, 2019. № 5. С. 755-758.
8. Djamshidovna X.M. Mechanisms for implementing an individualized approach to primary education // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol., 2020. Т. 8. № 1.
9. Хайдарова М.Д., Юлдашев Б. Н., Узбекистан Б. Информационные технологии в трудовом обучении школьников //teacher Namangan region, Norin district school № 40 Uzbekistan, Namangan city training of dialogical speech in the english language, 2019. С. 542.




Buxoro davlat universiteti muassisligidagi
“PEDAGOGIK MAHORAT”
ilmiy-nazariy va metodik jurnali
barcha ta’lim muassasalarini
hamkorlikka chorlaydi.

Pedagoglarning sevimli nashriga aylanib ulgurgan “Pedagogik mahorat” jurnali maktab, kollej, institut va universitet pedagogik jamoasiga muhim qo‘llanma sifatida xizmat qilishi shubhasiz.

Mualliflar uchun eslatib o‘tamiz, maqola qo‘lyozmalari universitet tahririy-nashriyot bo‘limida qabul qilinadi.

Manzilimiz: Buxoro shahri, M.Iqbol ko‘chasi 11-uy
Buxoro davlat universiteti, 1-bino 2-qavat, 208-xona

**Tahririyat rekvizitlari:**
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги
23402000000100001010 Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш.
МФО 00014 ИНН 201504275
БухДУ 400110860064017094100079001

***Pedagogik mahorat: rivojlanamiz va rivojlantiramiz!***

**PEDAGOGIK MAHORAT**

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**2021-yil 2-son (78)**

**2001-yil iyul oyidan chiqa boshlagan.**

**OBUNA INDEKSI: 3070**

**Buxoro davlat universiteti nashri**

Jurnal oliy o‘quv yurtlarining professor-o‘qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o‘qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo‘ljallangan.

Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi.

**Nashr uchun mas’ul: Alijon HAMROYEV.**
**Musahhih: Muhiddin BAFAYEV.**
**Muharrir: O‘g’iljon Olloqova**

Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar.

Bosishga ruxsat etildi 28.04.2021
Bosmaxonaga topshirish vaqti 30.04.2021
Qog’oz bichimi: 60x84. 1/8
Tezkor bosma usulda bosildi.
Shartli bosma tabog’i – 31,0
Adadi – 100 nusxa
Buyurtma № 150
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko‘chasi 11-uy.